

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/31.03.2021.Tar.05.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НИШОНОВ АБДУРАШИД АБДУРАСУЛОВИЧ**

**ШАЙБОНИЙЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА**  
**ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Нишонов Абдурашид Абдурасулович**

Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида Фарғона водийсидаги сиёсий  
жараёнлар ..... 3

**Нишонов Абдурашид Абдурасулович**

Политические процессы в Ферганской долине в период правления  
Шейбанидов ..... 25

**Nishonov Abdurashid Abdurasulovich**

Political processes in the Ferghana Valley during the reign of the Sheibanids ..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 49

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/31.03.2021.Tar.05.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НИШОНОВ АБДУРАШИД АБДУРАСУЛОВИЧ**

**ШАЙБОНИЙЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА**  
**ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Филсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Таг322 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Фарғона давлат университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ўлжаева Шохиста Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Комилов Ойбек Камилевич**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Замонов Акбар Турғунович**  
тарих фанлари бўйича филсафа доктори,  
доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация химояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/31.03.2021. Таг.05.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «11» 11 соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй, Гендер тенглиги тадқиқотлар маркази, 1-кават, мажлислар зали. Тел: (99873) 244-44-02; факс: (99873) 244-44-93; e-mail: [fardu\\_info@mail.uz](mailto:fardu_info@mail.uz). Фарғона давлат университети).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. АРМ биноси). Тел: (99873)244-44-94).

Диссертация автореферати 2022 йил «28» 10 кун тарқатилди.  
(2022 йил «28» 10 даги 13 рақамли реестр баённомаси билан).



**Б.А.Усмонов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., доцент

**Н.О.Алимова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.ф.д., доцент

**Р.А.Арслонзода**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қотибдаги илмий семинар раиси, т.ф.и., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳон бўйлаб тобора кучайиб бораётган глобаллашув шароитида минтақа ва ҳудудлар ўртасидаги сиёсий муносабатларнинг турли йўналишларда ривожланаётганини кўриш мумкин. Бу баъзи минтақалардаги давлатларнинг сиёсий жиҳатдан ўзаро яқинлашиб бораётгани шароитида бошқа ҳудудлардаги мамлакатлар ўртасида сиёсий зиддиятларнинг кескинлашаётганлиги билан изоҳланади. Халқаро муносабатларни янада ривожлантириш эҳтиёжи минтақалардаги сиёсий жараёнларнинг тарихий илдизларини замонавий методологиялар асосида ўрганишни тақозо этмоқда. Шу жиҳатдан ҳам Марказий Осиё тарихида муҳим ўрин тутган Шайбонийлар давлатида юз берган сиёсий жараёнларни тадқиқ этиш нафақат маҳаллий, балки жаҳон тарихшунослиги учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида Шайбонийлар сулоласи тарихини ўрганишга катта қизиқиш билан қаралмоқда. Ушбу даврда давлатчилик, ҳарбий санъат, иқтисодий ва маданий соҳада содир бўлган ўзгаришлар ҳамда этник жараёнлар бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Лекин, Шайбонийлар давлатининг таркибидаги ҳудудлар, жумладан, Фарғона водийсида юз берган сиёсий жараёнлар тадқиқотчилар эътиборидан четда қолмоқда. Ушбу масалани тадқиқ этиш Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлигининг ўрнатилиши, мустақамланиши ва инқирози жараёнларини ҳудудлар кесимида англашда, марказлашган давлат тизимини мустақамлаш ҳаракатларининг жойлардаги натижалари бўйича илмий хулосалар чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг бой тарихини, жумладан, Шайбонийлар даврида юз берган сиёсий, иқтисодий, маданий ва этник жараёнларни ўрганиш, тарғиб қилиш бўйича сўнгги йилларда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Президент Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «бугунги нотинч ва таҳликали замонда тараққиёт ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда буюк аждодларимиз қолдирган, бутун инсониятнинг маънавий бойлиги бўлган бебаҳо мероснинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир»<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам Шайбонийлар даврида Фарғона водийсида юз берган сиёсий жараёнлар тарихини ўрганиш, қўйилган ушбу вазифаларни бажаришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги ПФ – 6165-сон «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 28 февралдаги ПФ – 60-сон «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 октябрдаги 831-сон «Ахсикент археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш ёдгорлик мажмуасини ташкил қилиш бўйича», 2019 йил 14 декабрдаги «2020 – 2024 йилларда Фарғона вилоятининг

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича I саммитидаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/1018>. – 10.09.2017.

Марғилон ва Қўқон шаҳарларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори шунингдек, ушбу соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш, уларни амалга ошириш йўллари» номли устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўрта Осиёнинг XV – XVII асрлар тарихига бағишланган кўплаб тадқиқотларда танланган мавзунинг айрим жиҳатлари ўрганилган. Улар ҳудудий ва даврий тамойиллар асосида 3 гуруҳга бўлиб таҳлил этилди: 1) Россия империяси ва совет даврида нашр қилинган адабиётлар; 2) мустақиллик йилларида олиб борилган илмий изланишлар; 3) хорижий мамлакатларда олиб борилган тадқиқотлар.

Тарихшунослик таҳлили шуни кўрсатадики, Шайбонийлар даврида Фарғона водийсида юз берган сиёсий жараёнлар тарихи бўйича комплекс тадқиқот олиб борилмаган. Бу эса мазкур масалани тадқиқ этиш ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан зарур эканлигидан далолат беради (Масаланинг тарихшунослиги I бобнинг иккинчи параграфида батафсил ёритилган).

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №9 (ФДУ ИК 2019.30.05) «Фарғона водийси тарихининг долзарб муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Шайбонийлар даврида Фарғона водийсида юз берган сиёсий жараёнлар ва уларнинг ривожига таъсир этган омилларни тадқиқ этишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Темурийлар давлатининг сўнгги даврида Фарғона водийсидаги сиёсий вазиятни таҳлил этиш;

Фарғонада Шайбонийлар ҳукмронлигининг ўрнатилиши жараёнини тадқиқ этиш;

Шайбонийхон вафотидан кейинги ўзаро урушлар шароитида водийдаги вазият ва унинг Мовароуннаҳрдаги сиёсий жараёнларга таъсирини кўрсатиб бериш;

Тошкент ҳокими Севинчхожахоннинг Қошғар хони Султон Саидхон билан муносабатларида Фарғона водийсининг тутган ўрни ва ролини очиқ бериш;

Наврўз Аҳмадхон ва унинг авлодлари даврида Фарғона водийсидаги сиёсий жараёнларни манбалар ҳамда илмий адабиётлар орқали таҳлил қилиш;

Абдуллахон томонидан олиб борилган марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш сиёсатининг водий сиёсий ҳаётига таъсирини тадқиқ этиш;

Марказий ҳокимият заифлашуви шароитида Шайбонийлар давлатининг инқирози Фарғонада қандай тарзда юз берганини ўрганиш;

Шайбонийлар даврида Фарғона водийсида юз берган сиёсий жараёнлар тарихини ўрганиш натижалари асосидаги илмий хулосалардан келиб чиқиб таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Шайбонийлар даврида Фарғона водийсида юз берган сиёсий жараёнлар тарихи белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Фарғона водийсида Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлигининг ўрнатилиши, мустаҳкамланиши ва инқирози шароитида юз берган сиёсий жараёнларнинг илдизлари ва уларнинг ривожланиб боришига таъсир этган ички ҳамда ташқи омиллар таҳлили ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида объективлик, тарихийлик, изчиллик тамойиллари, қиёсий таҳлил, тизимлаштириш, муаммовий-хронологик, микротарих каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Фарғона водийсининг Шайбонийлар сулоласи тасарруфига ўтиши уч босқичда амалга ошганлиги ҳамда унинг биринчи босқичи (1503 йил) Фарғона ҳокими Аҳмад Танбалнинг Шайбонийхон ҳукмронлигини эътироф этиши, иккинчи босқичи (1504 йил) Аҳмад Танбал ҳокимиятини тугатилиши ва водий бошқарувининг шайбоний султонлар қўлига ўтиши, учинчи босқичи (1510-1514 йиллар) Шайбонийхон ҳалокатидан кейинги сиёсий жараёнлар таъсирида Фарғонада мўғул хони Султон Саидхон ҳукмронлигининг ўрнатилиши ва Тошкент ҳокими Севинчхожахон томонидан водийда Шайбонийлар ҳукмронлигининг қайта тикланиши билан изоҳланиши асосланган;

Фарғона водийсида Султон Саидхон ҳукмронлигининг ўрнатилиши ва тугатилиши Заҳриддин Муҳаммад Бобур томонидан шайбоний султонларга қарши олиб борилган кураш натижаларига боғлиқ бўлганлиги далилланган;

Шайбонийлар даврида Фарғона водийси маъмурий жиҳатдан икки қисмга, Аҳси ва Андижон вилоятларига бўлиб бошқарилгани, бунинг тарихий илдизлари Сомонийлар ҳамда Темурийлар даврига бориб тақалиши асосланган.

Фарғона водийсида ҳокимлик қилган шайбоний султонлар – Жонибек султон (Ахсида), Маҳмудшоҳ султон (Андижонда), Жувонмардалихон султон (Андижонда), Амин султон (Андижонда), Дўстмуҳаммад султон (Ахсида), Мўмин султон (Андижонда), Ҳошим султон (Ахсида), Исфандиёр султон (Андижонда), Поянда Муҳаммад султон (Ахсида), Ҳазора султон (Ахсида), Ўзбек султон ва Муҳаммадқули султон (Фарғона водийсида) шахсига ва уларнинг сиёсий фаолиятига тарихий манбалар асосида аниқлик киритилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Шайбонийлар даврида Фарғонада юз берган кўплаб тарихий воқеалар ва уларнинг бўлиб ўтган саналарига (Фарғонанинг Шайбонийхон давлати

таркибига киритилиши ва ташкил этилган дастлабки маъмурий бирликлар, уларнинг раҳбарлари фаолиятларига оид саналар) аниқланган;

Шайбонийлар даврида Фарғонада юз берган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар тарихига аниқлик киритувчи маълумотлар мажмуи ишлаб чиқилган;

Фарғона водийсининг Шайбонийлар давридаги тарихини тадқиқ этиш, тарғиб қилиш масалалари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** уни бевосита бирламчи манбаларга асосланганлиги, тарихшуносликда самарали қўлланилган тамойил, услуб ва ёндашувларга асосланганлиги, тадқиқот натижаларидан келиб чиққан таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, Шайбонийлар даври тарихини Фарғона водийси мисолида локал тарих йўналишида тадқиқ этиш, марказий ҳудудлардаги жараёнларнинг чекка вилоятларга таъсирини ўрганиш, Шайбонийлар сулоласи даврида Мовароуннаҳрнинг шарқий чегараларида юз берган сиёсий жараёнларда Фарғона водийсининг тутган ўрни ва ролини таҳлил этиш ушбу давр тарихини чуқур англашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ундан Шайбонийлар даври тарихини ўрганиш бўйича ўтказиладиган илмий тадқиқотларда ҳамда «Ўзбекистон тарихи», «Ўзбекистон давлатчилиги тарихи» фанлари ва «Фарғона водийсининг ўрта асрлар даври тарихи», «Ўзбекистонда элчилик муносабатлари тарихи» каби махсус курслари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Шайбонийлар даврида Фарғона водийсида кечган сиёсий жараёнлар тарихини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Фарғона водийсининг Шайбонийлар сулоласи тасарруфига ўтиши уч босқич амалга ошганлиги ҳамда унинг биринчи босқичи (1503 йил) Фарғона ҳокими Аҳмад Танбалнинг Шайбонийхон ҳукмронлигини эътироф этиши, иккинчи босқичи (1504 йил) Аҳмад Танбал ҳокимиятини тугатилиши ва водий бошқарувининг шайбоний султонлар қўлига ўтиши, учинчи босқичи (1510-1514 йиллар) Шайбонийхон вафотидан кейинги сиёсий жараёнлар таъсирида Фарғонада мўғул хони Султон Саидхон ҳукмронлигининг ўрнатилиши ва Тошкент ҳокими Севинчхожахон томонидан водийда Шайбонийлар ҳукмронлигининг қайта тикланиши билан изоҳланиши, Фарғона водийсида Султон Саидхон ҳукмронлигининг ўрнатилиши ва тугатилиши Заҳриддин Муҳаммад Бобур томонидан шайбоний султонларга қарши олиб борилган кураш натижаларига боғлиқ бўлганлиги каби илмий хулосалар асосида тайёрланган харита, жадвал ва бошқа нашрий манба кўринишидаги музей ҳужжатлар фондига тақдим этилган маълумотлардан Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи экспозицион режаларини тузишда, кўргазмалар ташкил этишда фойдаланилган

(Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги маданий мерос агентлининг 2022 йил 31 январдаги 02-01/286-сон маълумотномаси). Тақдим этилган материаллар музей фондиди бойитишга, илмий-оммабоп маълумотномалар тузишга, уларни илмий жиҳатдан асослашга манба сифатида хизмат қилган;

Шайбонийлар даврида Фарғона водийси маъмурий жиҳатдан икки қисмга – Ахси ва Андижон вилоятларига бўлиб бошқарилганлиги, Фарғона водийсида ҳокимлик қилган шайбоний султонлар – Жонибек султон (Ахсида), Маҳмудшоҳ султон (Андижонда), Жувонмардалихон султон (Андижонда), Амин султон (Андижонда), Дўстмуҳаммад султон (Ахсида), Мўмин султон (Андижонда), Ҳошим султон (Ахсида), Исфандиёр султон (Андижонда), Поянда Муҳаммад султон (Ахсида), Ҳазора султон (Ахсида), Ўзбек султон ва Муҳаммадқули султон (Фарғона водийсида) номларига аниқлик киритилганлиги каби илмий хулосалардан 2021 йилда намойиш этилган «Тарихий савол» кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда манба сифатида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон тарихи» телеканали давлат унитар корхонасининг 2021 йил 20 октябрдаги 08-14-433-сон маълумотномаси). Натижада, кўрсатувнинг илмий далилларга бой ва халқчил бўлиши таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та илмий-назарий конференция ва семинарларда, жумладан, 4 та халқаро ҳамда 2 та республика илмий-назарий конференцияларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари учун асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ҳамда фойдаланилган манбалар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 144 бетни ташкил қилади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳамда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси ва таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида манбашунослик ва тарихшунослик масалалари кўриб чиқилган. Фарғонанинг шайбонийлар даври тарихига оид манбаларни қуйидаги 3 та гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Тарихий асарлар. Тадқиқотда фойдаланилган манбаларнинг асосий қисмини тарихий асарлар ташкил этади. Сиёсий жараёнларга оид масалаларни ўрганишда Муҳаммад Солих, Камолиддин Биноий, Хондамир, Фазлулоҳ ибн Рўзибехон, Ҳофиз Таниш Бухорий, Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған, Искандарбек мунший, Маҳмуд ибн Фозил Чурас, Шарафуддин Роқим ва бошқа муаллифларнинг асарлари катта аҳамиятга эга<sup>2</sup>. Шунингдек, муаллифи номаълум «Таворих-и гузида, нусратнома» асарида ҳам Фарғона водийсида шайбонийлар ҳукмронлигининг ўрнатилиши тарихига оид муҳим маълумотлар мавжуд<sup>3</sup>. Ушбу асарларда баён этилган тарихий воқеалар таҳлили XVI асрда водийда юз берган сиёсий жараёнларга таъсир этган омиллар, уларнинг ривожланиб бориш динамикаси ҳамда оқибатлари хусусида илмий хулосалар чиқариш имконини беради.

2. Мемуар асарлар. Тадқиқотимизда мемуар манбалар, хусусан «Бобурнома» ва «Тарихи Рашидий» асарлари муҳим ўрин эгаллаган. Ушбу асарларда келтирилган маълумотлар муаллифларнинг юз берган сиёсий жараёнларда бевосита иштирок этганлиги ҳамда тарихий воқеаларнинг ривожига катта таъсир ўтказган етакчилар билан яқин муносабатларда бўлганлиги учун ҳам жуда қимматлидир. Бу эса манбалардаги маълумотларнинг ишончлилиқ даражасини ошириш билан биргаликда

---

<sup>2</sup> Муҳаммад Солих. Шайбонийнома / Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи Э.Шодиев. – Т.: Ғофур Гулом, 1989. – 336 б. (кейинги ўринларда – Муҳаммад Солих. Шайбонийнома.); شيبانينامه – Камоллиддин Биноий. Қўлёзма. ЎЗР ФА ШИ форс тилидаги қўлёзма. Инв. №844; شيبانينامه – Муҳаммад Юсуф Баёний. Қўлёзма. ЎЗР ФА ШИ эски ўзбек тилидаги қўлёзма Инв. №3422; Камолиддин Биноий. «Шайбонийнома» // Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 3-жилд. XVI – XIX асрлар. – Т.: Fan va texnologiya, 2014. – Б. 9-11; Ғиёсиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар / Форс тилидан таржима, муқаддима муаллифлари – Жалил Ҳазратқулов, Исмоил Бекжонов, Изоҳлар муаллифлари – Ашраф Аҳмедов, Исмоил Бекжонов, – Т.: Ўзбекистон. 2013; Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод (Мамлакатларнинг эгалланиши) / Форс тилидан таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари. И.Бекжонов, Д.Сангирова. – Т.: Янги аср авлоди, 2009. – 429 б. (кейинги ўринларда – Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод.); Аренде А. От редактора // Фазлаллаҳ ибн Рузбихан Исфահаний. Михман-наме-йи Бухара. – С. 13-14; Джалиловой Р. Предисловие // Фазлаллаҳ ибн Рузбихан Исфահаний. Михман-наме-йи Бухара (Записки бухарского гостя). – С. 15-31; Михман-наме-йи Бухара. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти. Қўлёзма. № 1414; Mehman-name-ye Bokhara. Fazlollah ibn Ruzbehan Khonji / Edited by Manoochekh Sotoodeh. – Tehran, 1962. Фазлаллаҳ ибн Рузбихан Хунджи. Михман-наме-йи Бухара / Под. кпечати Манечехр Сутуда. – Тегеран, 1962. С – 445; Фазлаллаҳ ибн Рузбихан Исфահаний. Михман-наме-йи Бухара («Записки бухарского гостя») / Перевод, предисловие и примечания Джалиловой Р.П. / Под ред. Арендса А.К. – Москва: Наука, 1976. – С. 201; Ҳофиз Таниш Ал-Бухорий. Абдуллонома («Шарафномаи шоҳий»). Биринчи китоб / Форс тилидан С. Мирзаев таржимаси; Сўз боши ва изоҳлар муаллифи: Б.Аҳмедов. – Т.: Шарқ, 1999. – 416 б. (кейинги ўринларда – Ҳофиз Таниш Ал-Бухорий. Абдуллонома. биринчи китоб); Ҳофиз Таниш Ал-Бухорий. Абдуллонома («Шарафномаи шоҳий»). Иккинчи китоб / Форс тилидан С.Мирзаев ва Ю.Ҳақимжонов таржимаси; илмий муҳаррир, нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи: Б. Аҳмедов. – Т.: Шарқ, 2000. – 416 б.; Eskandar Beg Monshi. History of Shax Abbas the Great (Tarik-e Alamara-ye Abbasi) / translate by Roger M. Savory. Volume I. – Colorado: Westview Press. 1930. –582 p.; Eskandar Beg Monshi. History of Shax Abbas the Great (Tarik-e Alamara-ye Abbasi) / translate by Roger M. Savory. Volume II – Colorado: Westview Press. 1930. – 860 p.; Isgəndər bəy Münsi Türkman. Tarix-i aləmarə-yi Abbasi (Abbasın dünyanı bəzəyən tarixi). I cild. – Bakı, 2009, Təhsil, - 792 səh.; Isgəndər bəy Münsi Türkman. Tarix-i aləmarə-yi Abbasi (Abbasın dünyanı bəzəyən tarixi). II cild. – Bakı, 2014, Serq qelb, - 1400 səh.; Шах-Махмуд ибн Мирза Фазил Чурас. Хроника / Критический текст, перевод, комментарии, исследование и указатели О.Ф.Акимовской. – 2-е изд. – СПб.: Петербургское лингвистическое общество, 2010. – 496 с.; Шарафуддин Роқим. Тарихи томм / Форсийдан ўзбек тилига таржима, луғат ва изоҳ муаллифлари Ҳайдарбек Бобобеков ва Наим Норқулов. – Т.: Маънавият, 1998. – 155 б.

<sup>3</sup> Таворихи гузида – Нусрат-наме. Исследование, критический текст, аннотированное оглавление и таблица сводных оглавлений А.М.Акромова. – Т.: Фан, 1967; Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 3-жилд. XVI – XIX асрлар. – Т.: Fan va texnologiya, 2014. – Б. 132-148.

воқеликка нисбатан субъектив муносабатни намоён бўлишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам мемуар асарлардаги фактлар ишончилигини рад этмаган ҳолда, тарихий шахсларга берилган баҳога танқидий ёндашув талаб этилади. Шунингдек, Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» ва Саид Али Раиснинг «Миръот ул-мамолик» асарларида ҳам даврнинг муҳим сиёсий воқеалари ва ҳарбий тўқнашувлар ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд<sup>4</sup>.

3. Маноқиб ва ҳуқуқий ҳужжатлар. Ўрганилаётган даврнинг йирик диний арбоблари ҳаёти ҳамда фаолиятига бағишланган «Мавлоно Лутфуллох маноқиб» ва «Матлаб ут-толибин» асарлари водийдаги ички сиёсий вазият ҳақида муҳим маълумотлар тақдим эта олиши билан ажралиб туради<sup>5</sup>. Уларда шайбонийлар даврида водий шаҳарларини бошқарган ҳокимлар шахси, Жўйбор шайхларининг Фарғонадаги йирик мулклари орқали бу ердаги сиёсий ҳаётга ўз таъсирини ўтказганлиги каби қимматли фактлар учрайди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти кўлёмалар фондида 1644 тартиб рақами билан сақланаётган «Ёрликлар тўплами» Фарғона водийсининг XVI – XVII асрга оид тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга<sup>6</sup>. Ушбу ҳужжатларда бошқарув тизими, маъмурий марказлар, иқтисодий ҳаёт, солиқ тизими, аҳолини турмуш тарзи ҳақида аниқ маълумотлар учрайди. Сайид Фозил Али, унинг авлодлари Гўё Муҳаммад, Сайид Зоҳид, Сайид Фазлуллохларга берилган ёрликлар улар яшаган даврда водийда ҳокимлик қилган шайбоний султонлар шахсига аниқлик киритишга ёрдам беради.

Ушбу бобнинг «Шайбонийлар даврида Фарғона водийсида юз берган сиёсий жараёнлар тарихшунослиги» номли параграфида тадқиқот учун танлаб олинган мавзу юзасидан олиб борилган илмий изланишлар ўрганилган. Мавзуга оид тадқиқотлар даврий ва географик жиҳатдан 3 гуруҳга бўлиб таҳлил этилди:

1. Россия империяси ва совет даври тарихшунослиги. Россия империяси ва совет даври шарқшунос олимларини теурийлардан сўнг тарих сахнасига келган янги сулола ҳукмронлик йилларида юз берган сиёсий жараёнларни

<sup>4</sup> Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. – Т.: Юлдузча, 1960. – 368 б. (кейинги ўринларда – Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.); Мирзо Муҳаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди / Введение, перевод с персидского А.Урунбаева, Р.П.Джалиловой, Л.М.Епифановой, примечания и указатели Р.П.Джалиловой и Л.М.Епифановой – Т.: Фан, 1996. – 344 с. (кейинги ўринларда – Мирзо Муҳаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди.); Муҳаммад Хайдар Мирзо. Тарихи Рашидий / Сўз боши ва изоҳлар муаллифи ҳамда таржимонлар В.Раҳмонов ва Я.Эгамова – Т.: Шарқ, 2010. – 703 б. (кейинги ўринларда – Муҳаммад Хайдар Мирзо. Тарихи Рашидий.); Саид Али Раис. Миръот ул-мамолик / Таржима ва изоҳлар муаллифи Ш.Зуннуова. – Т.: Ўз ССР Фанлар академияси нашриёти, 1963. – 160 б.; Зайниддин Маҳмуд Восифий. Бадоеъ ул-вақоеъ – Нодир воқеалар / Форсийдан Н.Норкулов таржимаси. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 216 б. (кейинги ўринларда – Зайниддин Маҳмуд Восифий. Бадоеъ ул-вақоеъ.).

<sup>5</sup> Муҳаммад Муфти Оҳангароний. Мавлоно Лутфуллох маноқиб / Форс тилидан ўзбек тилига таржима Абдуллохўжа Маъруфхўжа ўғли ва Шухрат Сирождидинов. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2002. – 140 б.; Абулаббос Муҳаммад Толиб ибн Тождиддин Хасанхожа ал-Хусайний ас-Сиддикий. Матлаб ут-толибин / таржимонлар: Ғ.Каримий, Э.Миркомиллов; Масъул муҳаррир: т.ф.д Х.Тўраев Тошкент давлат Шарқшунослик институти хузуридаги Абу Райхон Беруний номли Шарқ кўлёмалари маркази. – Т.: Movaqoufnahg, 2016. – 384 б.

<sup>6</sup> Жувонмардиев А. XVI – XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир. – Т.: Фан, 1965. – 182 б. (кейинги ўринларда – Жувонмардиев А. XVI – XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир.).

қай тарзда кечганлиги қизиқтирган. Ушбу даврда шаклланган йирик шарқшунос олимлар И.Н.Березин ва В.В.Бартольд асарларида Фарғонанинг шайбонийлар даври тарихига доир бир қатор масалалар тадқиқ этилган<sup>7</sup>. Совет даврида яратилган мавзуга оид тадқиқотлар ўзининг кўлами ва манбавий асосланиши бўйича бирмунча ўсишга эришган бўлса-да, уларда тарихий шахсларга, жараёнга баҳо беришдаги мафкуравий қолипларининг салбий таъсири яққол сезилди. А.А.Семёнов, П.П.Иванов, С.Азимжонова, М.Х.Абусейтова, Р.Мукминова ва бошқа тадқиқотчиларнинг асарларида Фарғона водийсида шайбонийлар ҳокимиятини ўрнатилиши борасида олиб борилган курашлар, Жўйбор шайхларининг Андижон ва Аҳси вилоятларидаги ер мулклари ва уларнинг водий сиёсий ҳаётига таъсири, Темурийлар давлати инқирозининг Фарғона мисолидаги таҳлили, водийдаги сиёсий воқеаларга Қозоқ султонларининг таъсири каби муҳим масалалар ёритилган<sup>8</sup>.

2. Мустақиллик йилларида олиб борилган илмий изланишлар. Мустақиллик йилларида шайбонийлар даври тарихига бағишланган бир қатор илмий ишлар эълон қилинган. Б.Аҳмедов, С.Жалилов, Д.Юсупова, Азамат Зиё, Г.Султонова, А.Замонов ва бошқаларнинг асарларида Фарғона водийси тарихига оид турли маълумотларни учратишимиз мумкин<sup>9</sup>. Уларда

---

<sup>7</sup> Березин И.Н. Шайбанида. История монголо-Тюрковъ. – Казан: Университетской типографии, 1849; Бартольд В.В. Очерк истории Семиречья // Сочинения, Т.2, Ч.1. – М.: Издательства восточной литературы, 1963. – С. 21-106.

<sup>8</sup> Семенов А.А. Материалы по истории таджиков и узбеков Средней Азии. Издательство Академии Наук Таджикской ССР. Сталинабад. 1954. – 154 с.; Абусейтова М.Х. Казакское ханство во второй половине XVI века. – Алма-Ата: Наука, 1985. – 104 с.; Иванов П.П. Хозяйство джуйбарских шейхов к истории феодального землевладения в средней Азии в XVI – XVII вв. Академия наук СССР. Москва. 1954. – 379 с.; Азимжонова С.К. К истории Ферганы второй пол. XV в. Изд-во АН УзССР. Ташкент. 1962. – 92 б.; Мукминова Р.Г. Тўрт аср олдинги Тошкент. – Тошкент: Фан, 1984. – 48 б.; Жувонмардиев А. XVI – XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир. – Б. 27.

<sup>9</sup> Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 432 б.; Жалилов С. Бобур ва Андижон – Т.: Ўзбекистон, 1993. 102 б.; Жалилов С. Бобурнинг Фарғона давлати – Т.: Фан, 1995. – 144 б.; Жалилов С. Бобур ва Юлий Цезарь – Т.: Янги аср авлоди, 2001; Жалилов С. Бобур ҳақида ўйлар – Т.: Шарқ, 2006. – 112 б.; Жалилов С. XV – XVI аср бошларида Андижонда маданий ва маънавий муҳит – Т., 2009; Юсупова Д. Фарғона водийсининг XVI – XVIII асрлар даври тарихига оид кўлөзма асарлари // Фарғона водийси янги тадқиқотларда Республика илмий анжуман материаллари. 2012. – Б. 122-125; Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар. – Т.: Шарқ, 2001. – 368 б.; Замонов А. Бухоро хонлигида қўшин тузулиши ва харбий бошқарув. – Т.: ВАУОЗ, 2018. – 208 б.; Замонов А. Бухоро хонлигида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар. – Т.: Turon-Iqbol, 2018. – 174 б.; Замонов А. Бухоро хонлиги тарихи. – Т.: Вауоз, 2021. – Б. 47-81; Замонов А. Бухоро хонлигининг Аштархоний ҳукмдорлари. – Т.: Вауоз, 2021. – Б. 14-24; Султонова Г.Н. XVI аср иккинчи ярмида Бухоро хонлигининг Қозоқ ва Ёрқент хонликлари билан алоқалари: Тарих фан. номзоди... дисс. – Т., 2005. – 148 б.; Ражабов Қ. Эргашев О. Убайдуллахон. – Т.: Abu matbuot – konsalt, 2011. – Б. 32; Мирзаев Б. Убайдуллахон –шайбонийлар давлатининг ҳукмдори. – Т.: Mumtoz so'z, 2016. – Б 32; История Узбекистана (XVI – первая половина XIX века) // Отв. Редакторы: Алимova Д.А. – Т.: Фан, 2012. – 778 с.; Шамсутдинов Р., Исҳоқов А. Андижон тарихидан лавҳалар. – Т.: Sharq, 2013. – Б. 36-57; Агзамова Г.А. Города и городская жизнь в Узбекистане в XVI – первой половине XIX веков: Автореф. дисс... д-ра. ист. наук. – Т.: 2000. – С 66; Мавлонов У.М. Коммуникация и торговые пути в Средней Азии: формирование и этапы развития: Автореф. дисс... доктор. истор. наук. – Т.: 2009. – С 46; Муқимов З. Основные исторические источники права в Узбекистане: (VII – XIX вв.): Автореф. дисс... д-ра. юрид. наук. – Т.: 1997. – С 34; Рахмонкулова З.Б. XVI – XIX аср бошларида Ўрта Осиё ва усмонийлар давлатлари ўртасидаги ижтимоий - сиёсий ва маданий муносабатлар тарихи: Тарих фанлари номзоди... дисс. автореферати – Т.: 2003. – 27 б.; Тўраев Ҳ. Бухоро хонлигининг XVI – XVII асрлар ижтимоий - сиёсий ва маънавий - маданий ҳаётида Жўйбор хожаларининг тугган ўрни: Тарих фан. док... дисс. автореферати. – Бухоро: 2007. – 44 б.; Усмонов Б.А. Фарғона водийси Амир Темур ва Темурийлар даврида: Тарих. фан. док... дисс. – Т.: 2019. – 276 б.; Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси / Таҳрир хайъати А.Қаюмов ва

Фарғонада ҳокимлик қилган шайбоний султонларнинг ўз мавқеларини мустаҳкамлашда Жўйбор шайхларидан фойдаланганлиги, Муҳаммад Шайбонийхон томонидан водийнинг забт этилиши, Фарғонанинг XVI аср тарихига оид манбалар таҳлили, Бухоро ва Қошғар ҳукмдорлари ўртасидаги муносабатларда водийнинг тутган ўрни, Фарғонада ҳукмронлик қилган Суюнчхожахон авлодлари шажараси каби масалалар тадқиқ этилган.

3. Хорижий мамлакатларда чоп этилган адабиётлар ва илмий тадқиқотлар. Хорижий олимларнинг Ўрта Осиё тарихига бағишланган айрим асарларда Фарғона водийсининг XVI аср тарихига оид баъзи маълумотлар учрайди. Тадқиқотларда асосан Муҳаммад Шайбонийхон, Убайдуллохон, Абдуллахон ва сулоланинг бошқа йирик вакилларининг шахси, марказлашган давлатнинг барпо этилиши, ҳарбий юришлар, дипломатик муносабатлар, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий тараққиёт, шайбонийлар ўртасидаги ўзаро урушлар оқибатида давлат инқирозининг кучайиб бориши каби масалаларига катта эътибор қаратганлар<sup>10</sup>. Бироқ, шу кунга қадар хорижий муаллифлар томонидан Фарғона водийсининг шайбонийлар даври тарихига оид алоҳида махсус тадқиқотлар амалга оширилмаган.

Мавзуга оид тадқиқотлар таҳлили шайбонийлар даврида Фарғона водийсида юз берган сиёсий жараёнлар тарихи тарихшунослигимизда ҳозирга қадар яхлит тарзда комплекс ўрганилмаганлигидан далолат беради.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Фарғона водийсида шайбонийлар сулоласи ҳукмронлигининг ўрнатилиши ва мустаҳкамланиши»** деб номланади. Унинг «Фарғона водийсида шайбонийлар ҳукмронлигининг ўрнатилиши» деб аталган биринчи параграфида XVI аср бошларида Фарғонада кечган сиёсий жараёнлар тадқиқ этилган.

---

бошқалар. Бош муҳаррир А.Аъзамов. – Т.: Sharq, 2014; Султонов Ў. Тошкент мулки Шайбонийлар даврида: Суюнчхожахон хонадони бошқаруви ҳақида айрим қайдлар // Sharqshunoslik. - Тошкент, 2014; Эрқўзиёв А. Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музакири аҳбоб» асарида фарғоналик уламо ва шоирлар хусусидаги маълумотлар // «Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда» мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. – Илмий нашр. – Фарғона: ФДУ, 2019. – Б. 155-157; Холбеков И. Фарғона водийсида Султон Саидхон ҳукмронлигининг ўрнатилиши // ЎЗМУ хабарлари. – Тошкент, 2019.

<sup>10</sup> Арминий Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. – Т.: Info Capital Group, 2019. – 272 б.; Rene Grousset. The Empire of the Steppes a History of Central Asia / Translated from the France by Naomi Walford. – New Jersey: Retgerts university press, 1970. – 653 p.; Audrey Burton. The Bukharans a dynastic, diplomatic and commercial history 1550-1702. – London: Curzon Press, 1997. – 664 p.; Svat Soucek. A history of inner Asia. – New York: Cambridge University press, 2000. – 337 p.; Yuri Bregel. An historical atlas of central Asia. – Leiden: Boston, 2003. – 109 p.; Carter Vaughn Fidelity. The Turks in world history. – Oxford: University press, 2005. – 300 p.; Martin Dickson. Shah Tahmasb and the Uzbeks (The duel for Khurasan with Ubay Khan 1524-1540. – Princeton: University, 1958. – 472 p.; Welsford Tomas. Four types of loyalty in early modern Central Asia. – Leiden: Boston, 2012. – 366 p.; Macit Abdulkadir. Şeybânî Hanlığı (1500-1599). Doktora Tezi. – Istanbul: Marmara üniversitesi sosyal bilimler enstitüsü islam tarihi ve sanatları anabilim dali, 2015. – 426 s.; Budak M. Osmanlı – Ozbek siyasi münasebetlerinin başlaması // Avrasya Etudları. – Ankara. 1996. - № 4 – В. 78-85; Remzi Kılıç. Osmanlı siyasi ilişkileri (1530-1555) // Tarih konuları – Ankara. 2001. - № 2 – В. 46-84; Фарах Гусейн. Османосефевидская война 1578-1590 гг. – Баку: Нурлан, 2005. – 216 с.; Моисеев В.А. Джунгарское ханство и казахи (XVII – XVIII вв.) – Алма-Ата: Гылым, 1991. – 238 с.; История Казахстана (с древнейших времен до наших дней). В пяти томах. Редколлегия тома: К.М.Байпаков, М.К.Козыбаев, Б.Е.Кумеков, К.А.Пищулина. Том 2. – Алматы: Атамұра, 1997. – 624 с. (кейинги ўринларда - История Казахстана (с древнейших времен до наших дней.); Хосуйниширази С.С. Военно-политические отношения Мавераннахра и Ирана в XVI в. дисс... д-ра. ист. наук. – Душанбе: Таджикский государственный педагогический университет им. С. Айни, 2014. – 255 с.; Акимушкин О.Ф. Средневековый Иран: Культура, история, филология. – СПб.: Наука, 2004. – 404 с.

Фарғона водийсида шайбонийлар ҳукмронлигининг ўрнатилиши уч босқичда амалга оширилганлиги ушбу параграфда кўриб чиқилган. 1500 йилнинг май ойида Бобур мирзо Самарқанд тахтини эгаллаш учун Фарғонани тарк этганида, бу ерда ҳокимиятни унинг укаси Жаҳонгир мирзо номидан Аҳмад Танбал қўлга киритган эди. Ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида бўлган Аҳмад Танбал водий шаҳарларини укаларига бўлиб берди. Жумладан, Андижон Султон Муҳаммад Қалпук, Аҳси Шайх Боязид, Ўзган Халилбек, Марғилон эса Бек Телба томонидан бошқарилган<sup>11</sup>. Бобур мирзо Самарқандни Шайбонийхонга бой бергач, тоғалари Тошкент хони Султон Маҳмудхон ва Мўғулистон хони Султон Аҳмадхонлар ёрдамида Фарғонадаги ҳокимиятини тиклашга ҳаракат қилди. Фарғонадаги ўзаро низолардан Шайбонийхон унумли фойдаланди.

Аҳмад Танбалнинг Бобур мирзо ва мўғул хонларига қарши курашиш учун Шайбонийхондан ёрдам сўраганлиги водийга шайбонийлар лашкари кириб келишини тезлаштирди. Шайбонийхон 1503 йилда мўғул хонлари Султон Маҳмудхон, Аҳмадхон ва темурий ҳукмдор Бобур мирзога қарши юриш бошлаган. Бу вақтда мўғул аскарлари Ўш ва Марғилон ҳудудларидаги халқни талагани сабабли водий аҳолиси ҳам уларга қарши қўзғолон кўтарган эди. Архаён даштидаги жангда Бобур мирзо ва мўғул хонларини тор-мор келтирган Шайбонийхон Фарғонани ўзининг олий ҳокимиятини эътироф этган Аҳмад Танбал ихтиёрида қолдиришга қарор қилган. 1503 йилда бўлиб ўтган бу воқеалар водийда шайбонийлар сулоласи ҳукмронлигининг ўрнатилишини биринчи босқичи эди.

Иккинчи босқич 1504 йилда бўлиб ўтган. Шайбонийхоннинг Балхни қамал қилиш билан банд эканлиги, Аҳмад Танбалга Фарғона қўшини билан Жонибек Султон мулки бўлган Тошкент вилояти ҳудудларига ҳужум қилиш имконини берди. Мирзо Ҳайдар Аҳмад Танбал укаси Шайх Боязид билан бирга Тошкентга юриш қилганлигини<sup>12</sup>, Бобур мирзо эса унинг Пискантга ҳужум бошлаганлигини таъкидлаган<sup>13</sup>. Бизнингча, Аҳмад Танбал қўшинининг асосий қисмини ташкил этган мўғуллар томонидан 1503 йилгача ўз ихтиёрларида бўлган Тошкентни қайтариб олиш истаги бу юришга сабаб эди. Лекин ушбу итоатсизликнинг оқибати Аҳмад Танбал учун аянчли бўлди. 1504 йилда шайбонийлар лашкари Фарғонани тўлиқ забт этди ва водий бошқаруви Жонибек султонга берилди.

Учинчи босқич Шайбонийхон вафотидан сўнг Фарғонада юз берган сиёсий жараёнлар билан боғлиқ. 1511 йил Фарғонада мўғулларнинг йирик амирларидан бири Саид Муҳаммад мирзо бошчилигида шайбонийларга қарши қўзғолон бошланди. Бу вақтда Ҳисорга юриш қилишга тайёрланаётган Бобур мирзо қўзғолончиларнинг ёрдам сўраб қилган мурожаатига жавобан мўғул шаҳзодаси Султон Саидхон бошчилигидаги кучларни Фарғонага юборган. Водийда ўз ҳукмронлигини ўрнатган Султон Саидхон Жонибек

<sup>11</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Б. 92-107.

<sup>12</sup> Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарих-и Рашиди. – С. 344; Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий. – Б. 243.

<sup>13</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Б. 86.

султон бошчилигида шайбонийлар ва Кошғар ҳокими Абобакр мирзо кўшинига қарши кураш олиб борди ҳамда Фарғонани ўз қўлида сақлаб қолишга эришди.

Фарғона ҳокими Султон Саидхон Самарқанд ҳукмдори Бобур мирзонинг олий ҳокимиятини тан олган эди. Аммо кейинчалик теурий ҳукмдорнинг шайбонийлар билан курашда енгилиши мўғул хонининг Фарғонада тақдирини ҳам ҳал қилди. Султон Саидхоннинг қозоқ хони Қосимхон билан иттифоқ тузиш ҳаракати ҳам самарасиз яқунлангач, водий 1514 йил шайбоний Севинчхожахон томонидан эгалланди. 1511-1514 йилларда бўлиб ўтган сиёсий жараёнлар Фарғонада шайбонийлар сулоласи ўрнатилишининг ҳал қилувчи учинчи босқичи эди.

Бобнинг «XVI асрнинг иккинчи чорагида Фарғона водийси» деб номланган иккинчи параграфида Фарғонада ҳукмронлик қилган Севинчхожахон ва унинг авлодлари давридаги сиёсий жараёнлар тадқиқ этилган.

Шайбонийхоннинг 1509 йилда қозоқлар устига қилган юришида муваффақиятсизликка учраши Фарғона водийсига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Ушбу юришнинг натижаларидан норози бўлган Шайбонийхон суюрғол эгалари ўрнини алмаштирди. Бунинг натижасида Фарғона ҳокими Жонибек Султон Кармана ҳудудини бошқаришга ўтказилиб, унинг суюрғоли бўлган водий эса Севинчхожахонга инъом этилди. Севинчхожахоннинг Фарғона водийсидаги ҳокимлигини икки босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич 1509-1510, иккинчи босқич эса 1514-1524 йилларни ўз ичига олади. Севинчхожахон даврида Фарғона водийси Тошкент воҳаси билан биргаликда унинг тасарруфида бўлган. Севинчхожахон маъмурий марказ сифатида Тошкентни танлаган ҳолда водийни ўзи тайинлаган ҳокимлар орқали бошқарган.

Севинчхожахоннинг Фарғонадаги ҳокимлигининг биринчи босқичи жуда қисқа даврни ўз ичига олган. У бу давр ичида Фарғонани тўла ўз бошқарувига олишга ҳамда бу ерда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга улгурмаган. Юқорида кўриб чиққанамиздек, Шайбонийлар ва Сафавийлар давлатлари ўртасидаги муносабатларни кескинлашуви Фарғонадаги тарихий воқеалар ривожини ўзгартириб юборган эди.

1514 йили Фарғонада шайбонийлар ҳукмронлигининг тикланиши билан водийда Севинчхожахон ҳукмронлигининг асосий иккинчи босқичи бошланди.

Жонибек султоннинг Фарғонадаги ҳокимлиги даврида Хўжанд шаҳрининг Фарғона суюрғоли таркибига кирганлиги хусусида аниқ маълумот йўқ. Севинчхожахон даврида эса бутун Фарғона водийси Хўжанд вилояти билан биргаликда унинг бошқаруви остига ўтган. Гарчи Хўжанднинг Севинчхожахон мулклари таркибида бўлганлиги ҳақида тўғридан-тўғри маълумотга эга бўлмасак-да, Шоҳрухия ва Ўратепа вилоятларининг Тошкент хонига бўйсунганлиги ҳамда унинг ўғиллари томонидан бошқарилганлиги бизга шундай хулоса чиқариш имконини беради<sup>14</sup>. Андижон, Ахси,

<sup>14</sup> Зайниддин Маҳмуд Восифий. Бадоеъ ул-вақоъ. – Б. 131-145.

Марғилон, Ўратепа ва Шоҳрухия вилоятлари Севинчхожахон ихтиёрида бўлгани ҳолда, Хўжанд вилоятининг бошқа бир хон тасарруфида бўлиши амри маҳол эди.

1525 йил Севинчхожахоннинг вафот этганлиги ҳақидаги хабар Фарғона водийсида сиёсий беқарорликни юзага келтирди. «Тарихи Рашидий» га кўра, Андижонда шайбонийлар ҳукмронлигига қарши йирик кўзғолон бошланган. Кўзғолончиларнинг аксариятини аҳолининг ўтроқ қисми бўлмиш зиёлилар, ҳунарманд ва деҳқонлар ташкил қилган. Бу эса шайбонийлар ўз ҳукмронлигининг дастлабки йигирма йилида аҳолининг ушбу қатламлари манфатларини ҳимоя қила олмаганликларини кўрсатади. Андижондаги мазкур кўзғолондан фойдаланиб, водийда ўз ҳукмронлигини тиклашни мақсад қилган Қошғар хони Султон Саидхон ҳам Фарғона томон қўшин тортган эди. Шайбонийлар томонидан катта кучларнинг сафарбар этилиши оқибатида кўзғолон бостирилган. Қолаверса, Султон Саидхон ҳам Қошғардаги ички муаммолар сабаб ўз қўшинини ортга қайтаришга мажбур бўлган.

Севинчхожахон вафотидан сўнг унинг мулкларини Келди Муҳаммадхон султон бошқарди. Шуни қайд этиш лозимки, у ҳукмронлик қилган даврда Фарғонада юз берган сиёсий жараёнлар ҳақида манбаларда маълумотлар кам учрайди. Фақатгина сафавийлар билан бўлиб ўтган Жом жанги тафсилотларида Келди Муҳаммадхон султон бошчилигида фарғоналиклардан тузилган лашкар иштирок этганлиги қайд этилган. Келди Муҳаммад султон ҳам отаси Севинчхожахон каби Фарғона хавфсизлигини таъминлаш мақсадида водийнинг шарқий қўшнисини Саидия давлати ҳамда шимолий чегараларда яшовчи қирғиз қабилалари билан яхши қўшничилик алоқаларини ўрнатишга ҳаракат қилди. Унинг сиёсий арбоб сифатидаги маҳорати шунда ҳам кўриндики, қирғиз қабилалари устидан ҳукмронлик қилиш учун Қозоқ хонлари ва Саидийлар ўртасида кечаётган рақобатдан унумли фойдаланиб, минтақадан шайбонийлар таъсирини оширишга эришди. Бу эса Мовароуннахрнинг шарқий чегарасида жойлашган Фарғона водийси хавфсизлигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди.

Келди Муҳаммад султондан сўнг Тошкент тахтига унинг укаси Бароқхон ўтирди<sup>15</sup>. Бароқхоннинг асл исми Наврўз Аҳмадхон ибн Севинчхожа султон бўлган. Унинг ҳукмдорлик даврини икки босқичга бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчи босқич 1532-1550 йилларни ўз ичига олган бўлиб, бу даврда у Тошкент ва Фарғона водийсини бошқарган. Иккинчи босқич эса 1551-1556 йилларда бутун Мовароуннахр ҳукмдори сифатидаги фаолиятдан иборат. Биз ушбу параграфда Бароқхон фаолиятининг биринчи босқичини кўриб чиқдик.

Бароқхон ҳукмронлигининг дастлабки йиллари ҳақидаги маълумотлар тарихий манбаларда жуда кам учрайди. XVI аср иккинчи чорагининг дастлабки ўн йиллигида Фарғона водийсига қўшни бўлган ҳудудлардаги қулай сиёсий вазият ҳам минтақада тинчлик бўлишини таъминлаган. 1533

---

<sup>15</sup> Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. – Б. 167.

йил Кошғар хони Султон Саидхоннинг вафот этиши ҳамда унинг ўрнига Абдурашидхоннинг тахтга ўтириши билан боғлиқ сиёсий беқарорлик мўғуллар томонидан водийга бўлган тахдидни пасайтирди<sup>16</sup>. Қозоқ султонларининг ўзаро тожу тахт учун курашларидан фойдаланган Бароқхон ўз мулкларининг шимолий чегараларини ҳам мустаҳкамлашга эришди<sup>17</sup>. Бу эса Тошкент хонига Мовароуннахрнинг шарқий чегараларидаги сиёсий воқеаларда фаол иштирок этиш имконини берди.

Бароқхон ҳукмронлигининг биринчи босқичида Фарғона водийсида ҳокимлик қилган шахслар ҳақида тарихий манба ва илмий адабиётларда аниқ маълумот учрамайди. Лекин айрим хабарларга таяниб, бу борада фикр юритиш мумкин<sup>18</sup>. Мисол тариқасида «Мавлоно Лутфуллоҳ маноқиби»да келтирилган қирғиз қабилаларининг талончилик юришлари ҳақидаги хабарлардан бирида Ахси вилояти ҳокими Бароқхоннинг ишончли амирларидан бири Мир Ҳақберди эканлиги таъкидланган<sup>19</sup>.

Шу ўринда Келди Муҳаммад султон ва Бароқхон давридаги водийнинг маъмурий тузилиши борасида ҳам баъзи мулоҳазаларни билдириш лозим. Тарихий манбалардаги маълумотлар водий маъмурий жихатдан Ахси ва Андижон вилоятларига бўлинганлиги, шу номдаги шаҳарлар ушбу вилоятларнинг маъмурий маркази бўлганлигини хусусида фикр юритиш имконини беради. Келди Муҳаммад султоннинг қозоқ хони Тохир султонга қарши амалга оширган ҳарбий юришида қатнашган лашкарлар сафида Андижон ва Ахси қўшинининг алоҳида қайд этилганлиги ҳам шундан далолат беради, деб ўйлаймиз<sup>20</sup>. Худди шу ҳолатни Сафавий ва шайбонийлар ўртасидаги Жом урушига бағишланган маълумотларда ҳам кўришимиз мумкин. Уларда шайбонийлар лашкари таркиби борасида сўз юритиларкан, Ахси ва Андижон вилоятларининг қўшини алоҳида қайд этилган<sup>21</sup>. Бу маълумотлар Тошкент ҳукмдорлари Келди Муҳаммад султон ва Бароқхоннинг ҳарбий юришларда Ахси ва Андижон вилоятлари лашкарлари алоҳида ҳарбий бўлинмалар сифатида иштирок этганлигини кўрсатади. Қолаверса, Қаросқон саййидларига берилган ёрликларда «Ахси ва Андижон ҳокимларига» жумлаларининг кўп марта қайд этилганлиги ҳам юқоридаги фикрларни далиллайди<sup>22</sup>. Бундан кўринадики, юқорида таъкидлаганимиздек, XVI асрнинг биринчи ярмида Фарғона водийсида Ахси ва Андижон вилоятлари Тошкент хонларига бўйсунувчи алоҳида маъмурий бирликлар сифатида шакллантирилган эди.

Тадқиқотнинг учинчи боби «**XVI аср иккинчи ярмида Фарғона водийси**» деб номланади. Унинг «Наврўз Аҳмадхон ва унинг авлодлари даврида Фарғона водийсидаги сиёсий жараёнлар» деб аталган биринчи параграфидан Бароқхон ҳамда унинг ворислари ҳукмронлик йилларида водийда юз берган сиёсий жараёнлар ҳақида фикр юритилган.

<sup>16</sup> Муҳаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди. – Б. 536.

<sup>17</sup> История Казахстана (с древнейших времен до наших дней). – С. 374.

<sup>18</sup> Муҳаммад Муфти Оҳангароний. Мавлоно Лутфуллоҳ маноқиби. – Б. 42.

<sup>19</sup> Ўша асар. – Б. 44.

<sup>20</sup> История Казахстана (с древнейших времен до наших дней). – С. 375.

<sup>21</sup> Eskandar Beg Monshi. History of Shah Abbas the Great (Tarik-e Alamara-ye Abbasi). – P. 88-93

<sup>22</sup> Жуванмардиев А. XVI – XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир. – Б. 75-115.

Бароқхон ҳукмронлигининг иккинчи босқичи 1551-1556 йилларни ўз ичига олади. Бу босқичда у барча шайбонийларнинг олий ҳукмдори сифатида фаолият юритган. 1551 йил Абдулазизхоннинг вафот этиши Бароқхон учун шайбонийларнинг олий тахтига йўл очди. У бутун Мовароуннаҳрда ўз ҳукмронлигини ўрнатишга интиланган. Бу борадаги йирик ютуқларидан бири Самарқанднинг қўлга киритилиши эди. 1553 йил пойтахтни эгаллаган Бароқхон бу шаҳарда ҳукмронлигини мустаҳкамлашга улгурмади. Қалмоқлар томонидан қозоқларга қилинаётган талончилик юришларининг кучайиб бориши Тошкент ва Фарғона водийсининг шимолий чегараларини ҳам хавф остида қолдирган эди<sup>23</sup>. Бароқхон қозоқларга ёрдам бериш орқали ўз мулклари хавфсизлигини таъминлашга ҳаракат қилди. Ушбу масала бўйича Бароқхон Туркистонда турган вақтида Кўчкунчихон авлодлари бўлган хонзодалар Султон Саъид бошчилигида Самарқандда ўз мустақиллигини тиклаб, Тошкент хонига бўйсуннишдан бош тортди. 1554 йили Бароқхон Тошкент, Туркистон ва Фарғона қўшинлари билан Самарқандни қайта забт этишга киришди.

